

**Осиё тараққиёт банки иштирокида
“Цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш” лойиҳаси
бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2024** йил **15** апрелдаги **ПҚ-157-сон** “Осиё тараққиёт банки иштирокида “Цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.

Қарз битими: **2023** йил **29** декабрда имзоланган. Амал қилиш муддати: **2032** йил **25** апрелга қадар.

Молиялаштириш шартлари:

Кредит шартномаси: Loan **4426-UZB** (имтиёзли); кредит миқдори: **240** млн доллар; кредит муддати: **24** йил; имтиёзли давр: **5** йил; фоиз ставкаси: **2%** йиллик.

Кредит қиймати: **240** млн долл.

Амалга ошириш муддати: **2024–2032** йй.

Лойиҳа қуввати: **841** км.

Лойиҳа ҳудуди: Қорақалпоғистон Республикаси ва 12 та вилоят.

Лойиҳанинг умумий қиймати ва молиялаштириш манбалари бўйича тақсимоти:

Лойиҳанинг умумий қиймати **304,9** млн долларни ташкил қилади, шундан Осиё тараққиёти банки улуши – **240,0** млн доллар, Ўзбекистон Республикасининг улуши – **64,9** млн доллар.

Амалга ошириладиган ишлар: Жами бўлиб **841** км (2-босқичда **150** км ҳамда учинчи босқичда **691** км) узунликдаги цементбетон қопламали маҳаллий ва ички йўллар қурилади, шундан: Сирдарё вилояти (67 км), Жиззах вилояти (83 км), Қорақалпоғистон Республикаси (62 км), Хоразм вилояти (67 км), Бухоро вилояти (61 км), Навоий вилояти (61 км), Самарқанд вилояти (60 км), Қашқадарё вилояти (61 км), Сурхондарё вилояти (65 км), Тошкент вилояти (59 км), Фарғона вилояти (62 км), Наманган вилояти (62 км), Андижон вилояти (71 км),

Тайёргарлик ишлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **15.04.2024** йилдаги **ПҚ-157-сон** “қарори билан лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси (ТИА) тасдиқланди.

Адлия вазирлиги томонидан **22.04.2024** йилда 4426-UZB (COL)-сон қарз битимиға ҳуқуқий хулоса тақдим қилди.

Осиё тараққиёт банки **25.04.2024** йилда 4426-UZB (COL)-сон қарз битими кучға кирганлигини маълум қилди.

Жорий ҳолати:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2024** йил **15** апрелдаги **ПҚ-157-сон** қарори билан тасдиқланган лойиҳа техник-иқтисодий асоси (ТИА)ға кўра **2023-2024**

йй - тайёргарлик даври; **2025-2027 йй** - қурилиш ишларини амалга ошириш даври; **2028-2032 йй** - эксплуатация қилиш даври этиб белгиланган.

“Цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш” лойиҳаси **иккинчи босқичи** доирасида Халқ депутатлар **Жиззах** ва **Сирдарё** вилоятлари **Кенгашларининг қарорига** мувофиқ дастлабки манзилли рўйхатлар шакллантирилди. Манзилли рўйхатга кўра **Жиззах** вилоятида **83 км**, **Сирдарё** вилоятида **67 км** узунликдаги **жами 150 км** цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш белгилаб олинди.

ОТБ грант маблағлари ҳисобига **Жиззах** ва **Сирдарё** вилоятлари учун **DUE DILIGENCE** ҳисоботлари **ОТБ** консультанти Sheladia Inc. (АҚШ) халқаро консультант компанияси томонидан тайёрланди. **ОТБ** Директорлар Кенгаши томонидан **DUE DILIGENCE** ҳисоботлари қабул қилиниб, тендер жараёнларини бошлашга розилик берилди.

1. Техник назорат консалтинг хизмати:

08.02.2024 йилда лойиҳа доирасида **Сирдарё**, **Жиззах** ва **Тошкент** вилоятларида техник назоратни амалга ошириш (CSC) бўйича тендер савдолари эълон қилинди (бюджети 6,7 млн доллар). Қизиқиш билдириш бўйича таклифлар **13.03.2024** йилда қабул қилинди. **13.03.2024** йил ҳолатига 11 та консалтинг компания қизиқиш билдириш бўйича таклифини тақдим қилди. **18.04.2024** йил Харид комиссияси йиғилишида “Қисқа рўйхат” тасдиқланди.

17.07.2024 йилда Осиё тараққиёт банки “Қисқа рўйхат” ҳамда RFPга розилик берди ва **18.07.2024** йилда фақат “қисқа рўйхат”га кирган **маҳаллий консалтинг** компанияларга тендер таклифлари тақдим қилиши бўйича сўровлар (RFP) юборилди.

07.08.2024 йилда 2 та **маҳаллий** консалтинг компаниялар техник таклифи қабул қилинди.

19.08.2024 йилда маҳаллий консалтинг компаниялар **техник таклифи ҳисоботи** Соҳавий харид комиссияси томонидан тасдиқланди ва ОТБга келишиш учун юборилди.

26.09.2024 йилда маҳаллий консалтинг компаниялар **техник таклифи ҳисоботи**га ОТБдан розилик олинди.

02.10.2024 йилда Соҳавий харид комиссияси томонидан маҳаллий консалтинг компаниялар **молиявий таклифи ҳисоботи** очилди. Ҳозирда баҳолаш ишлари амалга оширилмоқда.

2. Сублойиҳа тайёрлаш бўйича консалтинг хизмати:

23.01.2024 йилда **Сублойиҳаларни тайёрлаш** (бюджети 2,35 млн доллар) бўйича **халқаро консультантни танлаш (SPC)** юзасидан тендер савдолари эълони Осиё тараққиёт банки (**ОТБ**) ва Автомобиль йўллари қўмитаси сайтларида жойлаштирилди. **01.03.2024** йил ҳолатига **29 та** консалтинг компания қизиқиш билдириш бўйича таклифини тақдим қилди. **18.04.2024** йил Харид комиссияси йиғилишида “Қисқа рўйхат” тасдиқланди.

Баҳолаш ҳисоботи Соҳавий харид комиссияси томонидан тасдиқланиб, **26.04.2024 йилда** Осиё тараққиёт банкига "Қисқа рўйхат" ҳамда RFP келишиш учун юборилди. **23.07.2024 йилда** Осиё тараққиёт банки "Қисқа рўйхат" ҳамда RFPга розилик берди. **24.07.2024 йилда** "қисқа рўйхат"га кирган компанияларга тендер таклифлари тақдим қилиши бўйича сўровлар (RFP) юборилди.

09.09.2024 йилда консалтинг компаниялар техник таклифи қабул қилинди. Ҳозирги кунда техник таклифларни баҳолаш ҳисоботи якунланиб, **02.10.2024 йилда** Соҳавий харид комиссияси аъзоларига кўриб чиқиш учун юборилди.

3. Қурилиш ишлари:

Сирдарё вилояти (3 та лот - жами 17,6 млн долл)

02.02.2024 йилда Сирдарё (3 та Лот) вилояти "Қурилиш ишлари" (Package 2) бўйича пудратчи ташкилотни танлаш бўйича тендер савдоларига эълон берилди.

18.03.2024 йилда қатнашчиларнинг техник таклифлари очилди. **06.06.2024 йилда** техник таклифларни Баҳолаш ҳисоботи **ОТБга** розилик олиш учун юборилди.

25.06.2024 йилда **ОТБ** Сирдарё (3 та Лот) вилояти "Қурилиш ишлари" (Package 2) бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан техник таклифларни баҳолаш ҳисоботига "эътироз йўқ" розилигини тақдим қилиб, **молиявий таклифларни очишга** розилик берди.

01.07.2024 йилда Соҳавий харид комиссияси йиғилишида Сирдарё (3 та Лот) вилояти "Қурилиш ишлари" (Package 2) бўйича **молиявий таклифлар очилди**.

05.07.2024 йилда Соҳавий харид комиссияси йиғилишида Сирдарё (3 та Лот) вилояти "Қурилиш ишлари" (Package 2) бўйича пудратчи ташкилотни танлаш бўйича молиявий таклифларни баҳолаш ҳисоботи тасдиқланди ва **1-лот** бўйича "Nizomiddin Imkon Servis LLC – Dineshchandra R. Agrawal Infracon Private Limited" қўшма корхонасига шартномани тақдим қилиш тавсия қилинди.

08.07.2024 йилда Соҳавий харид комиссияси йиғилишида тасдиқланган **Сирдарё вилояти** "Қурилиш ишлари" (Package 2) бўйича пудратчи ташкилотни танлаш бўйича **молиявий таклифларни баҳолаш ҳисоботи** розилик олиш учун **ОТБга** юборилди.

20.09.2024 йилда Соҳавий харид комиссияси йиғилишида тасдиқланган **Сирдарё вилояти** "Қурилиш ишлари" (CW02) бўйича пудратчи ташкилотни танлаш бўйича **молиявий таклифларни баҳолаш ҳисоботи**га **ОТБ** розилик берди.

23.09.2024 йилда "Nizomiddin Imkon Servis LLC – Dineshchandra R. Agrawal Infracon Private Limited" қўшма корхонасига шартнома тузиш (лот 1) бўйича хат юборилди (**ОТБ талабига кўра 28 кун муддатда банк кафолати тақдим қилиниши керак**).

03.10.2024 йилда Сирдарё вилояти (CW02) бўйича **2 та** қурилиш лоти (**2 ва 3** лотлар) бўйича тендер иштирокчиларнинг малакаси (маҳаллий пудратчилар) тўғри келмаганлиги сабабли, тендер савдолари меъзонлари янада енгиллаштирилиб, ўзгартирилган тендер ҳужжатлари ОТБ га розилик олиш учун юборилди.

Жиззах вилояти (4 та лот - жами 19,8 млн долл)

02.02.2024 йилда Жиззах (4 та Лот) вилояти “Қурилиш ишлари” (Package 1) бўйича пудратчи ташкилотни танлаш бўйича тендер савдоларига эълон берилди.

18.03.2024 йилда қатнашчиларнинг техник таклифлари очилди.

06.06.2024 йилда техник таклифларни Баҳолаш ҳисоботи **ОТБга** розилик олиш учун юборилди.

14.08.2024 йилда **ОТБ** томонидан **Жиззах вилоятида** ички йўлларни қуриш ишлари юзасидан пудрат ташкилотни аниқлаш бўйича **техник таклифларни баҳолаш ҳисоботи**га розилик берилди.

19.08.2024 йилда Жиззах вилояти бўйича **молиявий таклифлар** очилди.

26.08.2024 йилда молиявий таклифлар ҳисоботи Соҳавий харид комиссияси томонидан тасдиқланди.

27.08.2024 йилда молиявий таклифлар ҳисоботи ОТБга келишиш учун юборилди.

07.10.2024 йилда Соҳавий харид комиссияси йиғилишида тасдиқланган **Жиззах вилояти** “Қурилиш ишлари” (CW01) бўйича пудратчи ташкилотни танлаш бўйича **молиявий таклифларни баҳолаш ҳисоботи**га **ОТБ** розилик берди.

08.10.2024 йилда “Trans Logistik” корхонасига шартнома тузиш (лот 1) бўйича хат юборилди (*ОТБ талабига кўра 28 кун муддатда банк кафолати тақдим қилиниши керак*).

07.10.2024 йилда Жиззах вилояти (CW01) бўйича **3 та** қурилиш лоти (**2, 3 ва 4** лотлар) бўйича тендер иштирокчиларнинг малакаси (маҳаллий пудратчилар) тўғри келмаганлиги сабабли, тендер савдолари меъзонлари янада енгиллаштирилиб, ўзгартирилган тендер ҳужжатлари ОТБ га розилик олиш учун юборилди.

Учинчи босқичда қурилиши амалга ошириладиган ички йўлларнинг дастлабки рўйхати ва қиймати шакллантирилди. Унга кўра **691 км** узунликдаги цемент-бетон қопламали ички йўллар қурилади.

Маълумот учун: ОТБнинг талабларига мувофиқ **3-босқич** (11 та ҳудуд)да қурилиш ишларига, лойиҳа доирасида тендер савдолари орқали жалб қилинадиган **Сублойиҳаларни тайёрлаш бўйича консультант** томонидан **Due Diligence** (Экология таъсири, Ижтимоий ҳимоя, Гендер ривожланиш) ҳисоботлари ишлаб чиқилади. Сублойиҳаларни тайёрлаш бўйича консультант иш режасига асосан **12 ой давомида** босқичма-босқич **Due Diligence** ҳисоботлари 11 та ҳудуд учун тайёрланиб, ОТБга розилик олиш учун юборилади. ОТБ томонидан **Due Diligence** ҳисоботларига розилик берилганидан сўнг ушбу ҳудудлар бўйича қурилиш ишларига тендер савдолари ўтказилишига рухсат берилади.

Ўзлаштириш ҳолати:

2024 йил учун **11,0** млн долл. прогноз белгиланган.

Январь-сентябрь ойлари якуни билан **10,21** млн долл. ўзлаштирилган (**127 фоиз**, Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган йўл харитасига кўра 1-босқич ишлари билан биргаликда).